



**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз жойлари билан девор орасида бир қўй сиғадиган жой бор эди».**

*Учовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Баъзи бир уламолар «У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадамлари билан деворнинг орасида бир қўй сиққудек жой бор эди», дейдилар. Тўғрироғи эса саждага бош қўядиган жойлари билан девор орасида, деганимиздир.

دُنْعَةَ الصَّلَاةِ يَرْحَتِي هُنَّ عَجَلٌ لِيَضْرُرَ مَلَسَ نَاكَ لِقَا هُنَّ عَجَلٌ لِيَضْرُرَ دِي زِي نَع  
دُنْعَةَ الصَّلَاةِ يَرْحَتِي كَأَرَأَيْمُ لَسْمُ أَبَا أَيُّ هَلْ تُلْقُفَ فَحُصْمٌ لِدُنْعَةَ نَأُطَسُّ أَلِ  
أَهْدُنْعَةَ الصَّلَاةِ يَرْحَتِي مَلَسَ وَهِيَ لِعَجَلٌ لِيَضْرُرَ مَلَسَ نَاكَ لِقَا هُنَّ عَجَلٌ لِيَضْرُرَ دِي زِي نَع  
بِنَاخِي شَلَا هَاوَر

Язид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Салама розияллоҳу анҳу мусҳаф ёнидаги устун олдида намоз ўқишни танлар эди. Мен унга:**

**«Эй Абу Муслим, ушбу устун олдида намоз ўқишни танлаганингизни кўрмоқдаман?» дедим.**

**У:**

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унинг олдида намоз ўқишни танлаганларини кўрган эдим», деди».**

*Икки Шайх ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ривоятда номлари зикр қилинаётган киши машҳур саҳобий Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳудирлар.

**«Мусҳаф ёнидаги устун».** Қуръони Карим ёзилган саҳифалар бир сандиққа солиниб, ўша сандиқ «Муҳожирлар устувонаси» номли бир машҳур устуннинг остига қўйилган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кишилар олдиларини кесиб ўтмаслиги учун суннат ва нафл намозларни кўпроқ ана шу устунни тўсиқ қилиб олиб ўқир эдилар.

Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу одатларини яхшилаб тақлид қилар эканлар. Бу ҳолни эса ушбу ҳадис ровийси Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳунинг озод қилган қуллари Язид ибн Абу Убайд розияллоҳу анҳу ўз хожаларидан



**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозхоннинг сутраси ҳақида сўрашди. Бас, у зот:**

**«Эгарнинг суянчиғи (баландлиги)ча», дедилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Демак, сутранинг баландлиги ҳақида сўралди. Арабларда одам суяниб кетиши учун эгарнинг орқаси махсус равишда баланд қилинади. Ана ўша суянчиқ баландлигидаги нарса сутра учун кифоя қилар экан.

مُكْدَحًا غَضَّوْا إِذَا لَاقَ مَسَّوْهُ هَيْلَعُ لَلِإِيصِّبِ لَلِنَعِ، نَعُ هَلْ لِيضَرَ عَ حَلَطِ نَعِ  
وَبَأَوْ مَسُّمُ هَاوَرَ. كَلَذَاءَ رَمَّ نَمَلُ أَبِي آلِ وَصِيْلَ فَلَ حَرْلَ عَرُومَ لَثَمَ هَيْدَيَ نَبِ  
يَذْمُرَّتْ لَوَ دُوَادُ

Толҳа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бирортангиз олдига эгар суянчиғичалик нарсани қўйса, унинг ортидан ким ўтганига эътибор бермай, намозни ўқийверсин», дедилар».**

*Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Демак, сутра қўйиб олган одам сутра орқасидан ким ёки нима ўтганига эътибор бермаслиги керак. Сутранинг орқасидан ўтган нарса унинг намозига ҳеч қандай зарар қилмайди.

دُوَادُ وَبَأَوْ هَاوَرَ. هَفُوفَ أَمَفُ عَارِذَ لَحْرَ لَأُ عَرَّخَ: أَطَاعَ لَأَقَوُ

Ато раҳматуллоҳи алайҳи:

**«Эгарнинг суянчиғи бир аршин ва ундан баландроқдир», деди».**

*Абу Довуд ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ушбу ривоят соҳиби машҳур тобеъин Ато ибн Абу Рабоҳ саҳобалар ичида илмлари билан машҳур бўлганлар. «Ислом умматининг илм денгизи» деб ном олган буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан Макка аҳли бир масалани сўрашганида: «Ичингизда Ато туриб, мендан сўрайсизларми?» деган эканлар.



**Шарҳ:** Демак, намозхон сутрани қоқ рўпарасига эмас, бир оз ўнг ёки чап томонига олиб намоз ўқиши керак экан.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.***